

«Тасдиқлайман»
«Ўздонмахсулот» АК

Бошқарув раиси ўринбосари



Э. АЛИМОВ

2018 йил

Дон ресурслари ва уларни ташишни ташкил этиш бошқармасининг НИЗОМИ

1. Умумий қоидалар.

1.1. Дон ресурслари ва уларни ташишни ташкиллаштириш бошқармаси (ДР ва УТТЭБ) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сонли қарори ва «Ўздонмахсулот» АКнинг 2004 йил 25 августдаги 27-к-сонли буйруғи билан ташкил этилган бўлиб, «Ўздонмахсулот» АК бошқаруви девони таркибида фаолият юрутувчи бўлинмадир.

1.2. ДР ва УТТЭБ ўз фаолияти жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда «Ўздонмахсулот» АКнинг буйруқ, қарор, йўриқнома, меъёрий ҳужжатлари ва мазкур Низом асосида иш олиб боради.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан ажратилган хажмлардан келиб чиққан ҳолда дон маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан республика ва вилоятларнинг эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда дон маҳсулотлари корхоналарида сақланаётган давлат ресурсидаги дондан фойдаланиш ва ишлаб чиқарилган ун ҳамда бошқа маҳсулотларни сотишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 майдаги 95-сонли «Дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштиришга уларнинг сақланиши устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Низом» ҳамда 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли «Маҳсулотлар, хом-ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги қарори ва ушбу қарорга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар асосида тайёрланган меъёрий ҳужжатларига таянган ҳолда иш олиб боради.

2. Асосий вазифалар ва функциялар.

2.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг тегишли кўрсатмалари асосида истеъмолчиларга етказиб бериладиган дон, ун ва бошқа маҳсулотларнинг давлат буюртмаларини шакллантиришда иштирок этади.

- 2.2. «Ўздонмахсулот» АК ижро девони тегишли бошкармалари билан биргаликда тизимдаги дон маҳсулотлари қайта ишлаш корхоналарини дон хом ашёси билан таъминланишини ташкиллаштиради.
- 2.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига биноан макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатига, аҳолига сотишга ва яқка тартибдаги тадбиркорларга биржа савдоси орқали сотиш учун ажратилган ун хажмларини ҳамда хокимиятларга нон ёпиш ва ижтимоий таъминот учун ажратилган ун хажмлари учун тизим корхоналарига ўрнатилган тартибда буйруқлар расмийлаштириб беради.
- 2.4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига биноан махсус истеъмолчиларга, шу жумладан: Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати харбий қисмлари ва ҳ.к.ларга ажратилган ун ва ёрма маҳсулотлари хажмларини тақдим этилган тақсимотларга асосан сотиш учун тизим корхоналарига буйруқлар расмийлаштириб беради.
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига ва Иқтисодиёт Вазирлигининг кўрсатмаларига биноан «Ўзспиртсаноат» АК тақсимотига асосан спирт корхоналари таъминоти учун ажратилган буғдой хажмларига тизим корхоналарига буйруқлар расмийлаштириб беради.
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириқларига асосан паррандачилик хўжаликлари учун ажратилган буғдой хажмларига тизим корхоналарига буйруқлар расмийлаштириб беради.
- 2.7. Тизим дон маҳсулотлари корхоналарига йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳукумат қарорлари, фармойишлари ва кўрсатмаларини етказди.
- 2.8. Компаниянинг 2009 йил 27 июлдаги «Ўздонмахсулот» АК тизимидаги корхоналарда давлат ресурсидаги озик овқат буғдойидан фойдаланиш баланс ижроси бўйича ҳисоботларни қабул қилиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 26-сонли буйруғига асосан қабул қилинган ҳисоботларни жамлаб «Ўздонинспекция» билан биргаликда Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни таъминлайди.
- 2.9. Бошқарма фаолиятига тегишли «махфий» ҳисобланган ҳужжатлар билан махсус бўлим орқали ишлашни ташкил қилади.
- 2.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириқларига асосан исъмолчиларга ун ва ун маҳсулотларини етказиб бериш бўйича буйруқларни ўз вақтида корхоналарга расмийлаштириб беради.
- 2.11. Хар бир вилоят аҳолисини ун ва ун маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ўрганиб дон етишмайдиган вилоятга эҳтиёждан ортиқча дон мавжуд вилоятдан дон ва дон маҳсулотларини ортиш учун нарядлар расмийлаштириб беради.

3. Ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

- 3.1. ДР ва УТТЭБ ўз фаолиятини ишчанлик, ишбилармонлик, интизом ва хар бир ходимининг ўз ишига масъул бўлиши, бозор иқтисодиёти шароитида малакалари, савиясини оширишлари асосида ташкил қилади.
- 3.2. Корхона, ташкилотлар, шунингдек компаниянинг ижро девонидаги бўлинмаларга ДР ва УТТЭБ ваколоти доирасига кирувчи масалалар юзасидан тушунтириш ва тавсияномаларни беради.
- 3.3. ДР ва УТТЭБга тегишли масалалар бўйича ўрнатилган тартиб асосида корхона ва ташкилотлар билан ёзишмалар олиб боради ва маълумотларни йиғади.

3.4. ДР ва УТТЭБга тегишли масалалар бўйича тезкор йиғилишларни чақириш ва ўтказишни ташкил қилиб, унга компания ижро девонидаги ҳамда корхоналардаги мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилади.

3.5. ДР ва УТТЭБ фаолиятига таълуқли бўлган ҳукумат қарорлари, «Ўздонмахсулот» АК буйруқлари, бошқарув қарорлари ва кўрсатмаларни бажаради.

4. Бошқармани бошқариш.

4.1. ДР ва УТТЭБ бошлиқ томонидан бошқарилиб, «Ўздонмахсулот» АК Бошқаруви раиси томонидан ушбу лавозимга тайинладиган ва озод этилади.

4.2. ДР ва УТТЭБ таркиби, сони ва штати «Ўздонмахсулот» АК штатлар жадвалига мувофиқ белгиланади. Ходимлар меҳнат қонунларига асосан белгиланган тартибда ишга қабул қилинади ва ишдан озод этилади.

4.3. Бошқарма бошлиғи бошқарманинг барча фаолиятига раҳбарлик қилади, мазкур Низомдан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилади, ўз ваколати доирасида тегишли қарорлар қабул қилади, ҳукумат қарорлари ҳамда компаниянинг бошқарма фаолиятига тегишли кўрсатмаларини бажарилишини таъминлайди.

4.4. Бошқармада компания тизимида ўрнатилган ягона иш юритиш тартибига амал қилинишини таъминлайди.

4.5. ДР ва УТТЭБ бошлиғи бўлмаган вақтларда (хизмат сафари, меҳнат таътили, касаллик ва х.к.) унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ДР ва УТТЭБ бош мутахассисига юкланади.